

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 368-ҳадис

368 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَنَّ رَجُلًا زَارَ أَخَاَ لَهُ فِي قَرْيَةٍ أُخْرَى، فَأَرْصَدَ اللَّهُ تَعَالَى عَلَى مَدْرَجَتِهِ مَلَكًا، قَلَّمَا أَتَى عَلَيْهِ قَالَ: أَيْنَ تُرِيدُ؟ قَالَ: أُرِيدُ أَخَاَ لِي فِي هَذِهِ الْقَرْيَةِ. قَالَ: هَلْ لَكَ عَلَيْهِ مِنْ نِعْمَةٍ تُرْجُحُكَا؟ قَالَ: لَا، عَمِّرَ أَبِي أَحْبَبَتُهُ فِي اللَّهِ، قَالَ: فَإِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكَ بِأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَبَّكَ كَمَا أَحْبَبَتُهُ فِيهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ. [2567].

يُقَالُ: «أَرْصَدَهُ لِكَذَا»: إِذَا وَكَلَهُ بِحِفْظِهِ، وَ«الْمَدْرَجَةُ» بِفَتْحِ الْمِيمِ وَالرَّاءِ: الْطَّرِيقُ، وَمَعْنَى «تُرْجُحُكَا»: تُثْقُمُ كِهَا، وَتَسْعَى فِي صَلَاحِهَا.

368. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам айтиб бердилар: «Бир киши бошқа қишлоқдаги биродарини күришга борди. Аллоҳ унинг йўлига бир фариштани мунтазир қилиб қўйди. Унинг олдига келгач, «Қаерга кетяпсан?» деди. «Шу қишлоқдаги биродаримникига кетяпман», деди. «Унинг зиммасида сен фойдасини кўрадиган бирор нарса борми?» деди. «Йўқ, мен уни Аллоҳ азза ва жалла учун яхши кўраман, холос», деди. «Сен уни Аллоҳ учун яхши кўрганингдек, Аллоҳ ҳам сени яхши кўрди. Мен Аллоҳнинг сенга шуни етказиши учун юборилган элчисиман», деди».

*Ином Муслим ривояти.*

**Шарҳ:** Демак, бир биродарини фақат Аллоҳ учун яхши кўриб, орага бошқа ғараз қўшмасдан зиёрат қилган одам Аллоҳ таолонинг муҳаббатига сазовор бўлар экан.

Бу ҳақиқатни жуда яхши тушуниб, англаб, ўзимизга сингдириб олишимиз керак. Бирони зиёрат қилганда унинг эътиборини қозониш, унинг ҳузуридаги бирор дунёвий нарсага эришиш учун эмас, балки фақат Аллоҳ таолонинг розилиги учун, савоб умидида зиёрат қилиш керак.

Ана шундай холис ният ила қилинган зиёрат зиёратчини Аллоҳ таолонинг муҳаббатига сазовор қиласи.

Мусулмон уммати бу ҳадисга қадимдан ихлос билан амал қилиб келган. Алҳамдуиллаҳ, ҳозиргача унга ихлос билан амал қилиб келаётган мўмин-мусулмонлар қўп. Улар ўз биродарларини фақат Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаб, бошқа ғаразни аралаштирмасдан зиёрат қиласидилар.

Дунёда бу ишни ихлос билан қилаётганлар фақат Муҳаммад умматига мансуб зотлар бўлсалар, ажаб эмас.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Мусулмонлар бир-бирларини зиёрат қилишлари фазилатли иш экани.
2. Мусулмон мусулмонни Аллоҳ учун яхши кўриши кераклиги.
3. Мусулмон мусулмонга муҳаббат қўйгани учун Аллоҳ таоло ҳам унга муҳаббат қўйиши.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

